

ЁШЛАР ВА ГЕНДЕР СИЁСАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА ЕЧИМЛАР

Жиенбаева Багдагуль

Ажиниёз номидаги НДПИ

*“Миллий гоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими” таълим
йўналиши 1-курс талабаси*

Аннотация. Уибу мақолада Янги Ўзбекистон мисолида замонавий жамият ва давлат қуриши бўсағасида турган мамлакатлар ва жамиятларда давлатнинг муҳим ва асосий ривожланиши стратегиясини белгилаб берувчи сиёсати – гендер тенгликни таъминлашнинг ва бунда ёшлар, хотин-қизлар масаласи ва унинг, ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатлари илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ёшлар, хотин-қизлар, гендер экспертиза, гендер тенгсизлик, гендер имкониятлар, гендер сиёсати, гендер омиллари, гендер тенгсизни камайтири,.

Гендер масаласида ёшларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, 2030 йилга қадар қабул қилинган Гендер Стратегиясида акс этган 8 та йўналиш бўйича фаол ёшлардан 8 та груп шакллантирилди. Стратегия ижросини таъминлашда гендер адолат етакчилари фаол иштирок этишлари ҳам назарда тутилган.

Ўзбекистонда бу борада ислоҳотларга старт берилган. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта “Гендер адолат етакчиси” жамоасига саралаб олинган ёшлар групни ташкил этилди¹⁹⁷. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Гендер адолат етакчиси платформасини ишга туширишдан кўзланган мақсад гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-куватлашга қаратилган ислоҳотларни ҳамда ёшлар ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишларни кенг тарғиб этиш, соҳага доир давлат дастурлари ижросига

¹⁹⁷ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqi <https://president.uz/oz/lists/view/3851>

кўмаклашиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш орқали хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам беришдан иборатdir. Бу борада жараёнларнинг ҳуқуқий асослари шакллантириб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 25 майдаги СҚ-297-IV-сонли Қарори¹⁹⁸ билан тасдиқланган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан тизимли ишлар амалга оширилган. Рақамларда кўрадиган бўлсак, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган қонунчилик асосларини такомиллаштириш йўналишида 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони ва 2 та қарори ҳамда ҳукуматнинг 6 та қарори) қабул қилинди¹⁹⁹. Шу билан бирга «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конун қабул қилинди²⁰⁰.

Унда жинсий зўравонлик, жумладан вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этганларга нисбатан жавобгарлик чораларининг қучайтирилиши билан бирга, ушбу тоифадаги жиноятлар учун қонунчиликда кўзда тутилган енгилликлар берилмаслиги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш, ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш каби чоралар қўлланилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Бу борадига қонунчиликдаги нормаларга жиддий ўзгартиришлар киритилди. Мисол тариқасида жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш, шу жумладан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини очиқдан-очиқ инкор этиш, ушбу мазмундаги қарашларни, ғояларни ёки чақириқларни тарқатиш бўйича маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси

¹⁹⁸ <https://lex.uz/ru/docs/6855158>

¹⁹⁹ К.Р.Алиева Ўзбекистон Республикасида gender тенглигини таъминлашнинг Конституциявий-ҳуқуқий асослари. 12.00.02. - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молиявий ҳуқуқ ва божхона ҳуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси муаллифи, Тошкент-2021.-Б.18.

<http://library.ziyonet.uz/ru/book/117598>

²⁰⁰ <https://lex.uz/ru/docs/6430272>

Сайлов [кодексига](#) сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг 30 фоизидан 40 фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.

Гендерга оид аудит ўтказилиши қонунчилик билан мустаҳкамланиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан мазкур аудитни ўтказиш услубияти ва уч йиллик режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида»ги (132-сонли), «Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятга эга ишчилар тўғрисида»ги (156-сонли), «Тўлиқсиз иш куни тўғрисида»ги (175-сонли) конвенцияларини ратификация қилиш тўғрисида қонун лойиҳалари ҳукуматга киритилди. Ҳомиладор ва ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилаётган хотин-қизларга мослашувчан ишлаш имкониятини яратиш, тазиик ва зўравонлик содир этган шахсларнинг хулқ-атворини ўзгартириш, сайловга оид нормаларда гендер балансини белгилаш ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича 4 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат (*1 та қонун ва 3 та ҳукумат қарори*) лойиҳалари ишлаб чиқилди ва ҳукуматга киритилгани ёшлар масаласида гендер тенглиги сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб қолмоқда.

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади. Қонуннинг 12-моддасида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг ваколатлари белгиланган. Шунингдек, Давлат бошқаруви академияси томонидан раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича 60 соатлик малака ошириш курслари ташкил этилиб, унда 319 нафар хотин-қиз ўқитилди.

Гендер масаласи давлат сиёсатининг муҳим ва асосий йўналиши бўлиб улгурди. Миллий кадрлар захирасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши раиси, ўринбосарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари лавозимлари учун жами 970 нафар, шундан 162 нафар номзоддан иборат кадрлар захираси шакллантирилди²⁰¹. Гендер тенглик юзасидан медиа маҳсулотларни мониторинг қилиш натижаларига кўра республика телеканалларида 89 та ҳолатда, даврий нашрларда 70 та ҳолатда, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларида 549 та ҳолатда гендер тенгликка мос бўлмаган эпизодлар мавжуд деб топилиб, тегишли чора кўриш учун ваколатли органларга юборилди.

Ёшлилар ва аёллар масаласида гендер тенглигини тарғиб этиш алоҳида йўналишга айланиб бормоқда. Гендер тенглик тамойилларига мувофиқ оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материалларни гендер тенглик тамойилларига мувофиқ ҳолда тайёрлаш юзасидан «Гендер зўравонлик ҳолатларига ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан муносабат билдириш сиёсати», «Гендер-таъсирчан журналистика: хотин-қизларга нисбатан зўравонликни оммавий ахборот воситаларида қандай ёритиш керак», «Гендер-сезгири журналистика», «Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари: халқаро ва миллий механизмлар» мавзуларида туркум ўкув машғулотлари ўтказилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 262,2 минг хотин-қизга 4,5 трлн сўм миқдорида кредит, ишсиз ва ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи 56,8 мингдан зиёд хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш учун 274 млрд сўм субсидиялар ажратилди. Республика миқёсида 250 мингдан зиёд аёллар «Ишга марҳамат» мономарказлари, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида ва бошқа нодавлат таълим муассасаларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди. Аёлларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш йўналишида 3,2 млн аёл онкоскрининг текширувидан ўтказилди. Касаллик аниқланган 3 662 аёлдан 3 643 нафари соғломлаштирилди. Бу соҳани молиялаштиришда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ўтказилган давлат ижтимоий буюртмаси ва гранти танловларида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, эрта никоҳ ва ажримларни камайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларга

²⁰¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvarda “2022 – 2026- yillarga mo‘ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi” PF-60-son Farmoni // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 03.01.2024-y., 06/24/221/0003-son. Elektron manba:// <https://lex.uz/docs/-5841063>

хуқуқий, психологияк кўмак кўрсатиш соҳалари бўйича 39 та лойиҳа учун 6,6 млрд сўм ажратилди.

Аммо соҳада амалга ошириладиган тадбирлар ва қонуний бўликлар мавжудлигини ҳам белгилаб ўтиш керак. Бугунги кунда хуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг хуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишининг хуқуқий кафолатлари мавжуд эмас, тазийқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермайди, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Бундан ташқари Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссияларининг фаолияти ислоҳ этилиб, улар тегишинча Болалар масалалари бўйича миллий комиссия, болалар масалалари бўйича Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) комиссиялари этиб қайта ташкил этилишини ҳам амалга ошириш заруриятга айланиб бормоқда. Бунга яққол мисоллардан бири сифатида Ўзбекистондаги БМТ ТДнинг 2022 йилда ўтказган “Ўзбекистонда гендер рақамли тафовут”ни аниқлаш бўйича ўрганишлари хотин-қизларнинг рақамли кўникмалари эркакларнидан қарийб 24% ортда қолишини тасдиқлади. 35 ёшдан ошган аёллар 35 ёшдан кичик аёлларга қараганда 10 % га кам АКТ соҳасида малакага эга эканлиги, илғор рақамли кўникмаларга эга бўлган аёллар 36%га юқори даромад олишади. Шунингдек, олий маълумотли аёллар олий маълумотга эга бўлмаган аёлларга қараганда 46% кўпроқ рақамли кўникмага эга эканлиги тадқиқотларда кўринган²⁰².

²⁰² <https://senat.uz/oz/events/post-536>

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёллар ва ёшлар имкониятларини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш лозим, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш борасида қабул қилинган янги нормалар билан халқаро жамоатчиликни таништиришга алоҳида эътибор қаратилиши керак ҳамда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёллар ва ёшлар имкониятларини кенгайтиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар тайёрлашда бу соҳадаги хорижий тажрибани ўрганиш ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 75-sessiyasidagi nutqi
<https://president.uz/oz/lists/view/3851>

2. <https://lex.uz/ru/docs/6855158>

3. К.Р.Алиева Ўзбекистон Республикасида gender тенглигини таъминлашнинг Конституциявий-хуқуқий асослари. 12.00.02. - Конституциявий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ. Молиявий хуқуқ ва божхона хуқуқи. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси муаллифи, Тошкент-2021.-Б.18.

4. <https://lex.uz/ru/docs/6430272>

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvarda “2022 – 2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risidagi” PF-60-son Farmoni // Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 03.01.2024-y., 06/24/221/0003сон. Elektron manba:// <https://lex.uz/docs/-5841063>

6. <https://senat.uz/oz/events/post-536>